

ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 май куни электр техникаси саноатини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Охириги беш йилда ушбу тармоқда 465 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 163 та янги лойиҳа ишга туширилган. Ишлаб чиқариш ҳажми 4 баробар, экспорт эса 3 баробарга ошган. Энг муҳими, иш ўринлари сони 2 баробар кўпайиб, 32 мингга етган.

Шу билан бирга, бу соҳада тўла фойдаланилмаётган имкониятлар ҳали кўп. Тараққиёт стратегиясида 2026 йилга қадар электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини яна 2 баробарга, экспортни 3 баробарга ошириш мақсади белгиланган.

Йиғилишда шу борадаги муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Хусусан, жорий йилда 250 миллион долларлик 86 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари аҳоли талаби ва импорт таркибини ўрганиб, шунга мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш, вилоятлар кесимида янги лойиҳаларни шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Ўртимизда янги қонлар топилиб, мис захираси кенгайтирилмоқда. Келгуси йилларда мис ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар ошириш ҳисоб-китоб қилинган. Бунга асосланиб, Оҳангарон туманидаги янги мис кластерида 168 миллион долларлик 12 та лойиҳа доирасида 90 минг тонна мисни қайта ишлаш қуввати яратилади. Бу кластерга аъзо корхоналарга мисни узоқ муддатли контракт

асосида, биржа нархларидан чегирмалар билан харид қилиш имкони берилади.

Президентимиз ушбу кластернинг ташкили, молиявий жиҳатлари бўйича кўрсатмалар берди.

Маълумки, мамлакатимизда муқобил энергетика ривожлантирилмоқда. Бу соҳадаги янги лойиҳаларда камида 1 миллиард долларлик бутловчи қисмларга талаб бор. Бундан фойдаланиб, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Ижтимоий муассасаларда муқобил энергияда ишлайдиган сув иситиш тизимлари ҳамда кўчаларда қуёшдан қувват оладиган ёритиш мосламаларини ўрнатиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Электр техникаси соҳасида экспорт имкониятлари ҳам катта. Масалан, қўшни давлатлар ҳар йили кўп миллиард долларлик электротехника маҳсулотлари харид қилади. Лекин бунда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарлар улуши катта эмас.

Бу тармоқда экспорт ҳажмини жорий йилда 700 миллион долларга, келгуси йилда эса 1 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда маиший техника мисолида божхона ҳудудида қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш топшириғи берилди.

Соҳага инновацияларни жорий этиш ҳамда экспортни кенгайтириш учун Электротехника жамғармасига 20 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Мутасадди идораларга ички бозорга сифатсиз маҳсулотлар кириб келишининг олдини олиш, маиший техникалар маркировкаси тизимини жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ҳузурда Лойиҳалаш ва инжиниринг маркази, “Ўзэлектрроаппарат”, “Технопарк”, “Артель”, “Ўзқабель” корхоналари негизда изланиш ва ривожлантириш марказлари (Research and development) ташкил этиб, уларга малакали хорижий ва маҳаллий мутахассислар жалб қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси уч йилда тармоқ учун 4 минг нафар олий ва 14 минг нафар ўрта маълумотли мутахассислар зарурлиги қайд этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига электротехника бўйича ўқув дастурларини қайта қўриб чиқиб, тақомиллаштириш вазифаси қўйилди. Тошкент шаҳридаги Радиотехника коллежи, Самарқанд ва Чирчиқ хизмат кўрсатиш техникумлари, Фарғона электротехника коллежи “Ўзэлтехсаноат” уюшмасига бириктирилди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РАҲБАРЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ТИЗИМ: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон тараққиётининг замонавий босқичида янги Ўзбекистонни барпо этиш учун иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга ошириладиган шиддатли ва кенг қўламли ислохотлар жараёнида мамлакатимиз олдида турган устувор, стратегик ҳамда долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда қатъий “темир интизом”ни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак”, деган чуқур маъноли сузлари

ҳар бир давлат хизматчиси учун дастуриламал бўлиши, таъбир жоиз бўлса, улар фаолиятининг бош мезонига айланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони

ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори билан қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш ҳамда “ljro.gov.uz” ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фармон ва қарор билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб бориш тизими янада тақомиллаштирилди, ижронини ташкил этиш жараёни қадам-бақадам очиб берилди. Бу борада ҳар бир масъул раҳбар ва ходимнинг вазифаси эса ўзи бевосита масъул бўлган соҳада ишларнинг аҳолига танқидий ёндашиш асосида зиммасига юклатилган вазифаларни масъулия билан бажариши таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Давоми 3-бетда

АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ



БУГУНИДАН РОЗИ ОДАМЛАР

Барча орзу-ниятларимиз, интилишимиз, эзгу амалларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан амалга ошираётган сазой-ҳаракатларимиз — ҳамма-ҳаммаси бизга катта умид билан боқиб турган халқимиз учундир. Бу борада ижтимоий йўналишдаги ислохотларимиз алоҳида аҳамиятга эга, албатта.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бугун Ўзбекистонда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, бу борада алоҳида барқарор ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Хусусан, жорий йил май ойидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг навбатдаги муҳим босқичида

чига ўтилди. Бу ҳақда Президентимиз 29 апрель куни ўтказган видеоселектор йиғилишида батафсил айтиб ўтди ва халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган бир қатор муҳим чора-тадбирларни белгилаб берди.

Давоми 4-бетда

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

БОЙСУН ТОҒЛАРИДА КЎҲНА ОҲАНГЛАР ЖАРАНГИ

Бугун Сурхон элида катта байрам — “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали бошланади.

Давоми 2-бетда



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

ТЕЗ ТИББИЙ ВА ШОШИЛЧ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 май куни тез тиббий ва шошилч ёрдам хизмати фаолиятини тақомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



ЖОРИЙ ЙИЛ 1 ИЮНДАН ЯГОНА ВЕРТИКАЛ БОШҚАРУВ АСОСИДА “103” РЕСПУБЛИКА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ ВА УНИНГ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

Туманларда чақирувларни қабул қилиш диспетчерлик хизмати тугатилиб, вилоятларда ягона колл-марказ ташкил этилади.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудида эмас, масофага қараб бутун вилоят бўйича йўлга қўйилади.

УШБУ БРИГАДА:

тез тиббий ёрдам бригадаси етиб борганига қадар, уларга беморнинг аҳоли ҳақида хабардор қилиб туриш;

оила аъзоларига оғир аҳволдаги беморга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича телефон орқали маслаҳат бериш билан шуғулланади.

Вилоят колл-марказлари тизимига тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд ҳусусий клиникалар ҳам улашиши мумкин.



Колл-марказда операторлар билан бирга, алоҳида тиббиёт-маслаҳат бригадаси фаолият олиб боради.

Тез ёрдам хизматини ташкил этиш ва рақамлаштириш учун

85 млрд. сўм

Жаҳон банкдан жалб қилинган

5 млн. доллар йўналтирилади.

УШБУ ЧОРАЛАР НАТИЖАСИДА

Тез тиббий ёрдамда чақирувларга етиб бориш вақти 3 баробарга қисқаради.

2022 – 2025 ЙИЛЛАРДА

тез тиббий ёрдам тизимидagi барча “Дамас” ва бошқа эскирган машиналар замонавий автомобилларга алмаштирилади.

2022 ЙИЛДА 890 ТА,

2023 йилдан бошлаб эса ҳар йили **450** тадан янги автомобиль, жумладан, реанимация машиналари олиб берилади.

Кўрсатилган тиббий хизматларни беморлар томонидан ҳолис баҳолаш орқали тез тиббий ёрдам ходимларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилади.



Ҳар чорак якунида фаолияти беморлар томонидан яхши баҳоланган бригадалар ходимлари ойлик иш ҳақининг

50% миқдорда мукофотланади.

ЖОРИЙ ЙИЛ 1 ИЮНДАН БОШЛАБ:

тез тиббий ёрдам ва шошилч хизмат ходимлари ойликлари тоифасига қараб,

10% дан **15%** гача оширилади;

малакали ва алоҳида натижага эришган тез ёрдам тизими

ходимлари ойлигига **100%** гача устама жорий қилинади.


ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

БОЙСУН ТОҒЛАРИДА
КЎҲНА ОҲАНГЛАР ЖАРАНГИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу тантанана келувчи меҳмонлар ҳам кўп — дунёнинг турт тарафидан. Яна денг, улар ўз ишининг усталари, тарихи юз йиллар қаърига бориб тақалувчи юрти қадриятлари, анъаналарини тараннум этиш, дунёга танитиш илминини. Шу билан бирга, Ўзбекистон деган қадимий юрт билан яқиндан танишиш, мамлакатлараро маданий, маънавий, санъат йўналишидаги алоқаларини йўлга қўйиш, муштаҳамлаш ва ривожлантириш ниятида. Мазкур тадбирнинг Сурхондарё заминидан ташкил этилаётгани

ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилингани мазкур тадбирни юқори савияда ўтказишда айна мудоа бўлди, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бошлиғи Жўрабек Тўраев. — Бойсун маданий муҳити илк бор 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий-маданий мероси” сифатида эътироф этилган. 2008 йили эса ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг номоддий-маданий мероси” репре-



ни қайта тиклаш ва уни ўтказиш тақлифи билдирилган эди. Шундан сўнг, яъни 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг тегишли баёғига мувофиқ, мазкур фестивал ўтказиб келинмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ўша йилдан бошлаб ушбу йирик анжуман анъана ва қадриятларини намойиш этувчи халқаро маҳорат майдонига айланиб улгурди. Утган йиллар мобайнида очик осмон остидаги сахналарда неча турли соғлар жаранг сочмади, халқ оғзаки ижоди намуналари кўйланмади, дейсиз... Санаб адоғига етиш мушкул. Бинобарин, дунё халқларининг асрлар оша қадрланиб келинаётган бу каби мерослари бисёр. Халқлар ижодкор, халқлар санъатсевар.

Бу йил ҳам “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалини юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик қўрилди. Хусусан, Бойсун туманидаги ҳар бир меҳмонхонага олиб борувчи йўлларга кўрсаткичлар қўйилди. Марказий кўчаларда жойлашган 80 та туризм объектига тарғибот баннерлари, фестивалга бағишланган байрамона декорациялар ўрнатилди.

Фестивалга 500 нафарга яқин хорижий ва 50 мингга яқин маҳаллий меҳмонлар ташрифи кўтилаётган бўлса, улар учун 6 та замонавий меҳмонхона, 40 та меҳмон уйи ҳозирланди. Шунингдек, хушманзара тоғ худудида ташкил этилган ётоқхоналарда қўшимча жойлар тайёрланди, барча зарур шароитлар яратилди.



ҳам катта мазмунга эга. Чунки Сурхон эли фольклор санъатига бой, ҳар бирида олам-олам маъно мужассам бўлган урф-одатлар, дostonлар, хунармандлар, бахшилар маскани.

Қадриятлар манзили

“Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали ўтказилаётган жойни чин маънода, қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар масканига менгзасак арзийди. Зеро, бу ерда яратилган муҳит, шарт-шароитлар шунга ишора қилади.

— Халқимизнинг ўзига хос фольклор санъатини қўллаб-қувватлашни давом эттириш, шу жумладан, халқ дostonлари, хунармандчилиги, миллий либослари ва халқ уйинлари, қадимий урф-одатларини сақлаб қолиш ҳамда уларни кенг тарғиб қилиш мақсадида Вазирилари Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалини ташкил этиш

зентатив рўйхатига киритилди. Бу, ўз навбатида, Бойсун халқ маданияти ва унинг бадий анъаналарини сақлаш ва ёзиб олиш ҳамда кенг қўламади илмий тадқиқ этиш жараёнига сабаб бўлди.

Қайта кашф этилган йирик анжуман

Айтиш жоизки, 2002-2006 йилларда ЮНЕСКО ҳамкорлигида “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивали ва унинг доирасида халқаро илмий анжуманлар ўтказилган. Фестиваль асносида халқ амалий санъати ярмаркаси, анъанавий ва замонавий мода кўргазмаси, Ўзбек Миллий академик драма театри ва Сурхондарё вилояти драма театри томонидан фольклор спектакллари намойиш этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга 2016 йилда ўтказилган сайловолди учрашувида фаоллар томонидан “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали

ҳам ҳаваскор ижодкорларга мана шундай имкон бериши билан алоҳида аҳамиятга эга. Барчаси учун катта раҳмат.

Анна ТАМ
(Буюк Британия)

Жаҳон цивилизациясида
Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти

Фестиваль кўргазмасида ажодларимиз кўл меҳнати ва ақл-заковати билан ясалиб, тўқилган турли миллий хунармандлик буюмлари тайёрлашни неча минг йиллардан буён авлоддан-авлодга безавол етказиб келаётган энг тажрибали уста, тўқувчи, кулол ва бошқа 300 дан ортиқ кўлигул хунарманд қатнашади.

Фестиваль ўтказилаётган очик майдонда қўшимча сахналар барпо этилиб, фольклор жамоалар ва бахши, жиров, оқинларнинг ўз худудига хос санъатини кўрик-танловдан ташқари эркин намойиш этиши, узаро тажриба алмашиши учун қўлай имконият яратилган.

“Бойсун баҳори” доирасида, шунингдек, илмий-ижодий конференция, семинар, давра суҳбатлари, сайиллар, концертлар, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириш режалаштирилган. Бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотувини йўлга қўйиш, дроншоулар намойиши, ҳаво шарлари фестивали ва веломарафон каби тадбирлар ўтказиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, миллий халқ уйинлари — варрак учриши, хўроз ва кўчор уриштириш, арқон тортиш, кураш ҳамда анъанавий майдон томошалари, яъни дорбозлиқ санъати намояндаларининг дастурлари ҳам намойиш этилади.



Фестивалда яқка ижрочилар, фольклор санъати бўйича 12 нафардан, миллий халқ уйинлари ва томоша санъати йўналишида 4 нафардан ошмаган таркибда ижодий жамоалар чиқишлари намойиш этилади. Барча асарлар ёддан ижро этилади.

Ўзига хос танлов фольклор санъати (алпа, ўлан, лапар, рақс, терма, маросим қўшиқлари ва ҳоказо), миллий халқ уйинлари ва томоша санъати каби йўналишларда ўтказилади. Халқаро хайъат таркибига юқори малакали мутахассислар, танкич санъат ва маданият арбоблари, олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчилар, шунингдек, иштирокчи давлатлардан тегишли соҳа вакиллари киритилган. Иштирокчилар ижро маҳорати ҳакамлар хайъатининг ҳар бир аъзоси томонидан алоҳида тарзда 10 балллик тизим бўйича баҳоланади ва шу асосда голиблар аниқланади. Улар пул мукофотлари, диплом, соврин ва фестивал рамлари таъширилган эсдалик совгалар билан таъдирланади.

Фестивалда мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўзларининг ноёб ва бетакдор санъатлари билан мухлисларини хушнуд этиб келаётган фольклор-этнографик жамоалар иштирокига алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовордир. Хусусан, 2018 йилги фестивалга Франция, Швейцария, Германия, Италия, Қозғистон, Хитой, Исроил каби 14 давлатдан 172 нафар меҳмон ташриф буюрган эди. Коронавирус пандемияси даврида бир мuddат тўхтаб қолган “Бойсун баҳори” эндиликда ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади ҳар икки йилда Жорий йилда мазкур фестивалда АҚШ, Франция, Буюк Британия ва қўшни Афғонистон, Қозғистон ва Тожикистон давлатларидан меҳмонлар иштирок этмоқда.

Бундан ташқари, Жанубий Корея, Чехия, Швейцария, Япония, Туркия, Словакия, Кувайт, Индонезия каби давлатлардан сайёҳлар келган.

“Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали доирасидаги тадбирлар навбатма-навбат ташкил этилмоқда. Хусусан, Термиз шаҳридаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида Маданият вазирлиги ҳамда Термиз давлат университети ҳамкорлигида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция, веломарафон ўтказилди. Бугундан бошлаб эса тош кўтариш, чиллак ва ошиқ уйини, арқон тортиш, варрак учриш, камондан отиш, миллий кураш каби спорт уйинлари ўтказилади. Фольклор чиқишлари, алпа, ўлан, лапар, рақс, терма, маросим қўшиқлари чиқишлари, сахналаштирилган томошалар намойиш этилади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Азимбек САМАДОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбирлари

СЎЗ — ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муסיқамни бутун дунё эшитишини истайман

Фестивалга илк маротаба келишим. Миллий қадриятлар ва кўйларга қизиқишим жуда баланд. Мен улардан илҳом олинаман. Юртингизга ташрифим ҳам ана шу қизиқиш, қолаверса, халқлар маданияти, санъати билан яқиндан танишиш иштиқидир.

Ушбу халқаро фестивалда ўзим басталаган муסיқа билан иштирок этмоқчиман. Уни бутун дунёга чалиб беришни истайман. Бу мен учун ажойиб имконият бўлади. Чунки “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали ҳам профессионал санъаткорларга,

ҳам ҳаваскор ижодкорларга мана шундай имкон бериши билан алоҳида аҳамиятга эга. Барчаси учун катта раҳмат.

Анна ТАМ
(Буюк Британия)

Турли халқлар маданияти бир жойга жамланди

“Бойсун баҳори” биз учун жуда ҳам қизқарли, уни ўзимиз учун маданий ҳордик сифатида кашф этмоқдамиз. Турли чиқишлар ва ажойиб табиат манзарасида завқланиб янги дўстлар ортириб кетамиз, деган умиддамиз. Айниқса, унинг бу гал халқаро мақомда ўтказилаётгани,

дунё мамлакатлари маданияти бир жойга жамлангани, санъаткорлар, халқ ижодчилари узаро тажриба алмашишлари учун зарур қўлайликлар яратилгани диққатга сазовор.

Ажойиб муҳит, турли халқлар урф-одатлари, жонли ижро ва турли томо-

шалар — халқаро фестивал бизга ана шундай ижод намуналарини ваъда қилмоқда. Булар одамга бошқача завқ-шавқ ҳамда кайфият бахш этади, албатта.

Бастуан ФОНТАНИЛЛЕ
(Франция)

МУНОСАБАТ

ТИББИЁТ ХАЛҚҚА ЯНАДА
ЯҚИН БЎЛМОҚДА

Абдулазиз МУСТАФОҚУЛОВ,
Ширин шаҳри тиббиёт бирлашмаси
тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи

Давлатимиз раҳбари томонидан аҳоли саломатлигини сақлаш, уларга замонавий, тезкор, самарали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган сазой-ҳаракатлар таъсиринга сазовор. Айниқса, бу масалага қайта-қайта эътибор қаратаётгани, тизимнинг энг қўйи бўғинидан чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ечимини кўрсатиб бераётгани бу борадаги ислохотларга ўзгача руҳ бағишламоқда. Жумладан, тез тиббий ва шошилинч ёрдам фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳадаги барча мавжуд муаммолар очик-ойдин кўрсатиб ўтилди.

Ширин шаҳри тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими Ширин шаҳри, Боёвут ва Ховос туманлари аҳолисига хизмат кўрсатади. Лекин касалларнинг тури ва ҳолатига қараб Боёвут тумани ёки вилоят марказидаги шифохоналарга олиб боришга тўғри келади. Бу эса баъзан шошилинч тиббий хизмат кўрсатишининг олтинга тенг дақиқаларини йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. Соҳадаги ислохотлар натижасида туманлараро қўшма шифохоналар марказлари ташкил этилаётгани бу борадаги муаммони ечишда айна мудоаб бўлиши кутилмоқда.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидаги муаммолардан яна бири кадрлар

салоҳияти билан боғлиқ. Ҳозир Ширин шаҳрида ҳам врачлар етишмаслиги сезилади. Айни пайтда бир неча шифокорлар ўриндошлик асосида фаолият кўрсатади. Тан олиб айтиш керакки, бу ҳолат тез, биринчи тиббий хизмат кўрсатиш сифатида таъсир этмай қолмайди. Президентимиз ташаббусига кўра, Тез тиббий ёрдам маркази ҳузурида ходимлар малакасини ошириш маркази ташкил этилаётгани, Франция, Жанубий Корея, Туркия каби давлатлардан етакчи мутахассислар жалб қилинаётгани шифокорлар салоҳиятини оширишда, кадрлар муаммосини ечишда муҳим ўрин тутаяди.

Қишлоқ ва айрим маҳаллаларда тиббиёт пунктлари йўқлиги тез тиббий ёрдам хизматида қақурувлар сони ошишига сабаб бўлаётгани ҳам бор гал. Йиғилишда ҳар бир қишлоқда ана шундай пунктлар ташкил этиш ташаббуси кўтарилганини биз, соҳа ходимлари мамнуният билан қутиб олдик. Бу тиббиётни халққа яқинлаштириш йўлидаги яна бир салмоқли қадамдир.

Ширин шаҳри тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлимидаги мавжуд туртта автоматизациянинг биттаси замонавий талабларга жавоб беради. Қолган учтасида зарур ҳолларда реаниматологик ва анестезиологик ёрдам кўрсатиш имкони йўқ. Президентимиз ташаббусига кўра, 2025 йилгача эскирган барча тез ёрдам машиналари замонавийларига алмаштирилиши соҳага қаратилган катта эътибор намунаси, дейиш мумкин. Таъкидланганидек, бу тиббий ёрдам тезкорлигига, самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Президентимиз томонидан шифокорларни қўйиб турган мана шундай муаммоларни ечиш борасидаги барча ташаббуслар бизни ниҳоятда тўлқинлантирди. Бундай эътибор бизни қуч-ғайрат, бор салоҳият билан фаолият кўрсатишга ундайди. Бу эса тиббиёт соҳасини халққа янада яқин қилиш, инсон қадрини улғулаш учун ташланган улкан қадам бўлиши шубҳасиздир.

КАСАБА УОШМАЛАРИДА

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ,
ХОТИРА — МУҚАДДАС!

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабани Наманган шаҳар бўлини маси кенгаши 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Инсон қадри улғу, дийдор ганимат, хотира — муқаддас” шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказди.

Унга отахону онахонлар, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрий педагоглар, устоз ва мураббийлар тақлиф этилди.

Тантанали тадбирда Наманган вилояти Нуроний жамоатчилик кенгаши раиси, сенатор Икромхон Нажмиддинов, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабани уюшмаси республика кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Лутфиддин Ғаниев, Наманган шаҳар Нуроний жамоатчилик кенгаши раиси Анваржон Насриддинов сўз олиб, иштирокчиларни самимий табриқлади.

Меҳнат фахрийлари бугунги кунда мамлакатимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эъзоз ва эҳтиром учун Президентимизга ўз миннатдорлигини билдирди.

Ўзбекистон давлат филармониясининг Наманган вилояти бўлими хонанда ва созандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага янада кўтаринки кайфият бағишлади.

Шунингдек, Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами юзасидан тасдиқланган тадбирлар режасига

мувофиқ, куни кеча 130 нафар меҳнат фахрийси ҳамда касабани уюшмалари учун Балиққул ва Биби Наима момо зиёратгоҳларига саёҳат ташкил этилди.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон касабани уюшмалари федерацияси, унинг худудий кенгашлари ҳамда тармоқ касабани уюшмалари республика кенгашлари томонидан кекса авлод вакилларини қадрлаш, орамизда йўқ инсонларни хотирлаш, инсон қадрини улғулашга йўналтирилган тадбирлар ўтказилмоқда.

Касабани уюшмалари федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши 50 нафар меҳнат фахрийси ҳамда ишлаётган пенсионерлар учун Тошкент шаҳрига саёҳат ташкил қилди.

Улар Тошкент шаҳрида барпо этилган Ғалаба боғи ва унинг таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейи, шунингдек, Ўзбекистон тарихи, Куролли куллар давлат музейлари, Ҳазрати Имом мажмуаси ва Зангиота зиёратгоҳида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Кенгаш турли соҳа ходимлари ва уларнинг оила аъзолари уртасида ички туризмин ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Рамазон ҳайити муносабати билан берилган қўшимча дам олиш кунларида юртдошларимизнинг мазмуни дам олишини ташкил этиш мақсадида Мирзаобод туманидаги 19-давлат мактабгача таълим ташкилотини ходимлари учун Самарқанд шаҳрига, 3-давлат мактабгача таълим ташкилотини ходимлари учун Хўжамшкент зиёратгоҳига, 22-умумтаълим мактаби ходимлари учун Зомин қўриқхонасига саёҳатлар ташкил этилди.

Саёҳатлар давомида уларга юртимиздаги асори атиқалар, тарихий масканлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Ўзбекистон касабани уюшмалари федерацияси матбуот хизмати



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РАЎБАРЛАРНИНГ ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ТИЗИМ: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Нусратбек ТОЙЧИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ўринбосари,

Даврон КАЛАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи

Бошланғичи 1-бетда

Фармон ва қарор қабул қилинганга бир йилдан зиёд вақт ўтиб, бу борада қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш бўйича янги амалиёт шаклланди ва изчил тақомиллашиб борди. Ўтган даврда тўпланган тажрибани таҳлил қилар эканмиз, фармон ва қарор ижросини самарали таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўляпмиз.

“ТЕМИР ИНТИЗОМ” — ИСЛОҲОТЛАРНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ ВА НАТИЖАДОРЛИК ОМИЛИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли, таъбир жоиз бўлса, шиддатли ислоҳотларнинг натижадорлиги уларни амалга оширишга қаратилган ҳужжатларни ижро этиш бўйича қатъий интизомга бевосита боғлиқ.

Зеро, ижро интизомидаги сустиқашлик, лоқайдлик давлат аппарати иши самарадорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади, ислоҳотлар жараёнини секинлаштиради, давлат қурилишининг серкитира вазибаларини амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, республикани барқарор ҳамда жадал ривожлантириш йўлида ган бўлади ва фуқароларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга бўлган ишончини йўқотади.

Шу боис, қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашда “темир интизом” ҳаммамиз учун устувор масала бўлиб қолиши керак. Фармонда бошқарувнинг барча даражасида ижро интизоми мустаҳкамлаш масаласига алоҳида ургу берилгани бежиз эмас.

Ижро интизоми таъминлашда унинг пойдевори ҳисобланган ҳужжат лойиҳаларини пухта ва сифатли ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, айрим ҳужжатлар лойиҳаси давлат органлари ва ташкилотлари томонидан етарлича иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаслиги сабабли уларнинг ижросини таъминлашда муаммолар келиб чиқмоқда.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳужжат лойиҳасини барча манфаатдор вазирлик ва идоралар билан тўлиқ келишилишини таъминлаш ҳамда ҳужжати амалга оширишнинг “ким, қачон, нима иш қилиши керак” лигини назарда тутувчи аниқ механизмлارни белгилаш лозим.

КАСБИЙ МАЛАКА ВА БИЛИМЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ПРОФЕССИОНАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ — ЯНГИ ТИЗИМНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Фармоннинг ҳамда жорий этилган янги “ijro.gov.uz” тизимининг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан вазирлик ва идоралар раҳбарлари ва масъул ижрочиларнинг профессионал даражаси ва билимига чамбарчас боғлиқ эди.

Шу муносабат билан ижро интизоми бўйича жорий этилган янги тизимнинг мазмун-моҳиятини, ҳар бир масъул ижрочисининг ўрни ва вазибаларини, ушбу тизимда “вазирлик ва идора → Адлия вазирлиги → Вазирлар Маҳкамаси → Ҳисоб палатаси → Президент Администрацияси” технологик занжирида ишлаш тартиби ва механизмлари батафсил тушунтириб беришга алоҳида ургу берилди.

Ушбу йўналишда, аввало, кенг қўламли ўқув ва тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Хусусан, 2021 йилда Вазирлар Маҳкамасида, шунингдек, бевосита ҳудудларга чиққан ҳолда 15 минг нафардан зиёд ижро интизомига масъул раҳбар ва ходимлар иштирокида ўқув-амалий семинарлар ўтказилди. Мазкур семинарларда масъул ходимларни қизиқтирган саволларга Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари томонидан батафсил тушунтиришлар берилди. Шу билан бирга, энг кўп берилган саволлар бўйича мухтасар тушунтириш ва изоҳлардан иборат методик қўлланма тайёрланиб, барча вазирлик ва идораларга тарқатилди.

Ушбу йўналишда амалга оширилган яна бир тизимли иш бу — “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарида фармон ва қарор мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш ва тушунтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирлик, идора ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг мақолаларини эълон қилиш бўлди.

Хусусан, 2021 йилда жами 21 та, шу жумладан, 3 та Вазирлар Маҳкамаси аппарати, 13 та вазир ва унинг ўринбосарлари, жумладан, адлия вазири Р.Давлетов, молия вазири Т.Ишметов, транспорт вазири И.Маҳкамов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Кудбиев, Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ш.Шараҳметов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И.Норқулов, шунингдек,

Хусусан, 2021 йилда 22 та вазирлик ва идора, 14 та маҳаллий ҳокимликларнинг жами 116 нафар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилиб, уларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини оширишга оид аниқ топшириқлар берилди.

Ушбу амалиёт 2022 йилда ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг 2022 йил 9 апрелдаги йиғилишида вазирлик ва идораларнинг 52 нафар раҳбар ўринбосарлари ҳисоботи эшитилди ҳамда йўл қўйилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиб, ижроси кечикаётган топшириқларни яқинига етказиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини Ҳуқуматта киритишдан олдин масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурда химоя қилиш амалиёти жорий этилиши ҳам вазирлик ва идоралар раҳбарларининг улар томонидан Ҳуқуматта киритилаётган лойиҳаларнинг сифати ва мазмуни учун шахсий масъулиятини сезиларли даражада оширди.

Таъкидлаш лозимки, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ижро интизоми, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти топши-

“ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНИШИ БЕЛГИЛАНГАН ТОПШИРИҚЛАР ТАҲЛИЛИ НАТИЖАЛАРИГА КўРА, БАЖАРИЛМАГАН ТОПШИРИҚЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ЯҚУНИГА ЕТКАЗИШ ҲАМДА ЯҚИН МУДДАТДА ИЖРОСИ КЕЛАДИГАН ТОПШИРИҚЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ БАРВАҚТ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР РАЎБАРЛАРИГА ИНДИВИДУАЛ ОҒОҲЛАНТИРИШ ХАТЛАРИ ЮБОРИШ ТАРТИБИ ЙўЛГА ҚўЙИЛГАН. ХУСУСАН, 2021 ЙИЛДА 100 ГА ЯҚИН ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР РАЎБАРЛАРИГА ШУНДАЙ ХАТЛАР ЮБОРИЛДИ.

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ САМАРАСИ ВА НАТИЖАДОРЛИГИ

2021 йилда мазкур тизим ва амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, ижро этилиши лозим бўлган жами 40 175 та топшириқдан 40 071 таси ёки 99,7 фоизи тўлиқ бажарилиши таъминланди.

Кўрилган қатъий чораларнинг амалий натижасида бажарилмаган топшириқлар сони изчил қисқариб, 2022 йил 1 январда 2021 йил 1 январдаги 483 тадан 104 тага тушганлиги ҳам бажарилмаган топшириқларнинг изчил камайиб бориш тенденциясидан далolat бермоқда.

Ижро интизоми таъминлаш бўйича жорий этилган тизимнинг натижадорлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифларида, давлат раҳбари ҳузурда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан ўтказилган мажлисларда, шунингдек, хорижий мамлакатга олий ва юқори даражадаги ташрифлар натижалари бўйича тасдиқланган “йўл хариталари”да берган топшириқлари ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш учун ҳам хизмат қилмоқда.

Хусусан, ҳудудларга ташрифлар давомида берилган 15 мингдан зиёд топшириқдан 80 фоизининг ижроси таъминланган, шундан ижро муддати келмаган 3 000 га яқин топшириқни тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ҳузурда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан ўтказилган мажлисларда берилган 9 мингта яқин топшириқнинг 93 фоизи тўлиқ бажарилиб, қолган қисмининг ижроси доимий назоратга олинган.

Яратилган самарали ижро интизоми Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлашга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, Давлат дастурининг жами 398 та банд ва ундаги 607 та топшириқдан ижро муддати жорий йил I чораги этиб белгиланган 87 та топшириқнинг 64 таси тўлиқ бажарилди, 6 тасининг ижро муддати узайтирилди ҳамда 17 тасининг ижроси юзасидан ҳужжат лойиҳалари тегишли инстанцияларда кўриб чиқилмоқда.


ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЙўЛ ҚўЙИЛАЁТГАН ТИЗИМЛИ КАМЧИЛИКЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР

Ижро интизоми таъминлашда жорий этилган тизимни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш бўйича ўтган даврда тўпланган тажриба бу борада айрим тизимли камчиликларга йўл қўйлаётганлигини ҳам кўрсатмоқда.

“ЯРАТИЛГАН САМАРАЛИ ИЖРО ИНТИЗОМИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ “ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҲАМ ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ ТАЪСИРИНИ КўРСАТМОҚДА. ХУСУСАН, ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ЖАМИ 398 ТА БАНД ВА УНДАГИ 607 ТА ТОПШИРИҚДАН ИЖРО МУДДАТИ ЖОРИЙ ЙИЛ I ЧОРАГИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНГАН 87 ТА ТОПШИРИҚНИНГ 64 ТАСИ ТўЛИҚ БАЖАРИЛДИ, 6 ТАСИНИНГ ИЖРО МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛДИ ҲАМДА 17 ТАСИНИНГ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЕГИШЛИ ИНСТАНЦИЯЛАРДА КўРИБ ЧИҚИЛМОҚДА.

юзасидан ташвирчан чоралар кўрмаганлиги учун 129 нафар вазирлик ва идоралар раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан тегишли интизомий чоралар белгиланди.

Мазкур интизомий таъсир чораларининг аксарияти айнан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этмаганлиги билан боғлиқ ҳолатлар учун қўлланилган.



“ФАРМОН ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА БИР ЙИЛДАН ЗИЁД ВАҚТ ЎТИБ, БУ БОРАДА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ АМАЛИЁТ ШАКЛЛАНИ ДИ ВА ИЗЧИЛ ТАҚОМИЛЛАШИБ БОРДИ. ЎТГАН ДАВРДА ТўПЛАНГАН ТАЖРИБАНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛАР ЭКАНМИЗ, ФАРМОН ВА ҚАРОР ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН БИР ҚАТОР МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАНЛИГИНИНГ ГУВОҲИ БўЛАЯПМИЗ.

5 та маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Сариев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов, Наманган вилояти ҳокими Ш.Абдураззоқов, Вобект тумани ҳокими Ф.Умаров, Оҳангарон тумани ҳокими А.Абдуллаевнинг мақолалари эълон қилинди.

Мазкур мақолаларда самарали меҳнат асоси сифатида шахсий масъулият, мустаҳкам интизом ва ташаббускорликни таъминлаш, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича ислоҳотлар натижадорлиги гарови ва уларни амалга оширишда асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳамда давлат органлари самарали фаолияти кафолати сифатида ижро интизоми мустаҳкамлаш, ижро интизомининг иқтисодий ривожланиши, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни каби масалалар атрафлича ва пухта ёритиб берилди.

Бу борада яна бир жиддий масала — Вазирлар Маҳкамаси аппаратида бир ҳафталик тажриба орттириш амалиётидан (стажировкадан) ўтиш тизими йўлга қўйилди, ҳозирга қадар 80 та вазирлик ва идоралар ҳамда 174 та туман (шаҳар) ҳокимликларининг ижро интизомига масъул бўлинмаларидаги 254 нафар раҳбар ва мутахассисларнинг тажриба орттириш амалиётидан ўтказилиши таъминланди.

ВАЗИРЛИК, ИДОРА ВА ҲОКИМЛИК РАЎБАРЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ — ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ижро интизоми таъминлаш бўйича янги тизимнинг пойдеворини, албатта, вазирлик, идора ва ҳокимлик раҳбарларининг шахсий масъулияти ва мустаҳкам “темир интизоми” ташкил этади.

Шу муносабат билан ушбу йўналишда ҳам фармон ва қарор талаблари асосида бир қатор янги амалиёт ва тажрибалар жорий этилди.

Бу борада гап кетганда, ҳар ҳафта шанба кунини Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимларининг йиғилишида вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботларини муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

тизим самарали ишлаши учун, албатта, раҳбар ва ходимларнинг иқтисодиёт ва молия соҳаларидаги махсус билими, ҳуқуқий саводхонлиги ва ишчанлик малакасини ошириш лозим.

Шу мақсадда тизимли ўқув-амалий семинарлар ва марказий аппаратларда стажировка ўташ амалиётини изчил давом эттиришимиз керак, шу билан бирга, зарур ҳолларда ходимларни илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва малакасини ошириш учун чет элга хизмат сафарларида жўнатиш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бунда, айниқса, лавозимига янги тайинланган ходимларнинг билими, касбий кўникмаси ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Юқорида айтилган чоралар вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун профессионал даражаси, молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, ижро интизоми мустаҳкамлаш борасида тўпланган ижобий тажрибани вазирлик ва идораларнинг раҳбар ҳамда масъул ходимлари эътиборига етказиш, уларга услубий кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари мақоаларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиётини давом эттириш ҳам албатта, ўз самарасини беради.

Ижро интизоми таъминлашда асосий муаммо — вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликларнинг ўрта ва кўйи бўғинларида ишни самарали ташкил этиш билан боғлиқ. Айниқса, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда кўйи бўғин раҳбар ва ходимларининг малакасини ошириш ишлари ҳали лозим даражада тизимли йўлга қўйилмагани, шунингдек, вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари томонидан кўйи ташкилотлар, айниқса, туман (шаҳар) ҳокимликларида ижро интизоми ташкил қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштиришга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги тизимли муаммо бўлиб қолмоқда.

Шу боис, топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этишга, бунда ўрта ва кўйи бўғинларда ижро интизоми самарали ташкил этишга барча даражадаги раҳбарларнинг эътиборини кучайтиришимиз зарур.

Шунингдек, топшириқлар ижросини “жойига чиққан” ҳолда ўрганиш, ўрта ва кўйи бўғинларда ишларнинг реал ҳолатини, муаммоларнинг асб сабаларини таҳлил қилиш бўйича вазибаларни тизимли равишда ташкил этиб боришимиз зарур.

Яна бир тизимли камчилик — айрим вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликларда ижро интизоми ташкил этиш бўйича яқинда қилинган таъминлаш орақали, энг аввало, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган ҳалқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, макрокўрсаткичи барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳудудларни, саноятнинг базавий тармоқларини, қишлоқ ҳўжалигини, таълим ва илм-фани ривожлантириш, тадбиркорликни кўллаб-қувватлашда, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳалқимизга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини тўддан яқшилаш каби мақсадларга эришишга хизмат қилиши.

Хусусан, энг жиддий муаммо — айрим вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг профессионал даражаси, молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий билими етарли даражада эмаслиги бунга мисол.

Дарҳақиқат вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ва масъул ходимларидан фақат талаб қилиш самара бермайди. Ушбу

ТАРАҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — АМАЛДА

Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси биринчи йўналиши 8-мақсадида норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш кўзда тутилган. Шу мақсад доирасида инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш учун “Ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш режалаштирилган. Бу халқимизга нима беради?

“АҚЛЛИ ТАРТИБГА СОЛИШ” МОДЕЛИ

УНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ҲАЁТИМИЗНИ КАЙ ДАРАЖАДА ЎЗГАРТИРАДИ?

Хушвақт ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси кафедра
мудир, юридик фанлар
доктори



Бу саволга жавоб беришдан олдин, аввало, кейинги йилларда халқчил ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилган ишлар миллий ва халқаро даражадаги эътирофларга сазовор бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Ўз ўрнида, ҳаёт тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этганидек, эришилган натижалар билан қияфаланмасдан ислохотлар янги-янги босқичларда ривожлантирилиши зарур. Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси ана шу мақсадларни қамраб олгани билан ҳам ҳаётини аҳамиятлидир.

Тарақиёт стратегияси келгуси беш йилда мамлакатимизда “Харажатлар стратегиясидан — Тарақиёт стратегияси сари” тамойили асосида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратишга қаратилгани билан ҳам ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, янги стратегиямиз мамлакатимиздаги тизимли ижобий ўзгаришларнинг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилган Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга илҳам қилиш натижасида келиб чиққан хулосалар ҳамда тўплаган улкан тажриба ҳосиласи ҳамдир.

Тарақиёт стратегиясида белгиланган 100 та мақсаднинг саккизинчиси сифатида норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш белгилангани беиз эмас. Чунки жамият ва давлат ўз олдига қўйган ҳар қандай мақсадни амалга ошириш, аввало, уни ҳуқуқий белгилашни тақозо этади. Шу боис, мамлакатимизда ислохотлар қанчалик жадаллашса, норма ижодкорлиги (векторли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни) ҳам шунчалик фаоллашиши ҳаётини зарурат.

Афсуски, норма ижодкорлигида йўл қўйлаётган камчиликлар кўплаб ижтимоий салбий оқибатларни келтириб чиқараётгани сир эмас. Хусусан, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида ҳақли равишда қайд этилган муаммолар (умумий туга эга бўлган қонунлар қўлини, айрим қонунларни амалга оширишни мўайян механизми йўқлиги, ижтимоий муносабатларнинг тарқоқ ҳолда тартибга солиниши, ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар) фуқароларнинг қонунчилик ҳужжатларига бўлган ишончини нисбатан пасайтирмакда.

Бу каби муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Тарақиёт стратегиясида бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Жумладан, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан масъуллашувлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлиги, сифати ва самардорлигини таъминлаш мақсадида “Ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш доирасида қонунчилик ҳужжатларини тартибга солиш таъсирини баҳолашни ривожлантириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳуқуқ тизими рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг янги драйверларини ҳаракатга келтириш доирасида замонавий технологияларга ва рақамли фаолиятга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш, соҳаларда “тартибга солиш юки”ни камайтириш доирасида қонунчилик ҳужжатларини қисқартириш ҳам кун тартибда турибди. Қолаверса, давлат органлари фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тизимлаштириш, қонунчиликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш вақолатига эга давлат органлари доирасини қисқартириш, ушбу ҳужжатлар сонини мақбуллаштириш ишларини давом эттириш ҳам асосий мақсад сифатида белгиланган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастурида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга

солишнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда “Ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш доирасида қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ривожлантириш ва кенгайтириш вазифаси белгилаб олинди.

“Ақлли тартибга солиш” модели ва унинг элементлари, деганда нимани тушуниш лозим? Қисқача айтганда, “Ақлли тартибга солиш” модели қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни мураккаблаштиришни назарда тутувчи, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл этувчи нормаларни қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларидан мажбурий тартибда бартараф этиладиган механизмдир.

“Ақлли тартибга солиш” модели Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида белгиланган қатор элементлардан иборат. Булар:

- фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва жамият томонидан қилинган ижро ҳаражатлари тақлиф этилаётган лойиҳа нормасида назарда тутилмаётган ҳаражатларга тенг ёки ортқ бўлганда мавжуд нормани бекор қилиш;

- мураккаблаштирувчи тартиб-таомилларнинг амал қилиш муддатини чеклаш, бунда муддат ўтган, улар мавжуд тартибга солишни яхшилаш, унинг бундан кейинги заруриятини асослаш ёки автоматик равишда кучини йўқотган, деб топиш нўхтани назардан қайта кўриб чиқиш;

- муаммони, уни ҳал этиш усуллари, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тартибга солиш таъсирини мажбурий баҳолашдан ўтказиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадида эришиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган мақсад ва вазифаларни улардан мазкур мақсадларга эришиш кўрсаткичлари сифатида фойдаланган ҳолда аниқлаштириш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни самарали усуллари ва методологиясини таъкиф этиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юзасидан жамоатчилик муҳокамаси босқичларида муаммони, уни ҳал этиш усуллари, рақобатга таъсирини таҳлил қилиш, тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогнозлаш ва баҳолаш, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва ҳаражатларни таҳлил этишни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолашга оид таҳлилий ҳужжатлар билан мажбурий таъминлаш кабилардир.

Ушбу моделини соддароқ ифода этганда, тизим қонунчилик ҳужжатларидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва умуман, жамият томонидан сарфланадиган сарф-харажатларни қисқартириш учун уни бекор қилиш ҳамда ўрнига нисбатан кам харажатли нормани қабул қилиш муҳим вазифалардан саналади.

Хулоса қилиб айтганда, норма ижодкорлигида “Ақлли тартибга солиш” модели ва унинг элементларини қўллаш мамлакатимизнинг бугунги ривожланишини, шу билан бирга, унинг узок йиллик тарақиёт стратегиясини белгилаб беришчи муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда “Инсон кадрини қўллаш”, “Давлат — инсон учун” деган эзгу ғояларни ҳаётга таъкиф этишга ҳамда жадал ривожланиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини юксалтиришга асос бўлиб хизмат қилади.

АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

БҲГУНИДАН РОЗИ ОДАМЛАР

Хуршид АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар
ва ислохотлар маркази директори ўринбосари

“Давлатимиз раҳбари ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича янги тизим жорий этилишини қайд этди. Масалан, Ангрэн шаҳри ва Олмазор туманининг 13 та маҳалласида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш натижасида яхши тажриба яратилган. Бунда хотин-қизлар фаоллари ёрдамга муҳтож 109 та оилани бирма-бир ўрганиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ечишда амалий кўмак берган.

Бошланиши 1-бетда

Йиғилишда нурунийлар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа тоифаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда охириги йилларда ижтимоий ҳимоянинг ўта муҳим йўналиши — ота-она қарамоғидан маҳрум болалар, боқувчисини йўқотган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, оғир касалликка чалинган шахсларга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Жумладан, меҳрибонлик уйларидаги 1,5 мингга яқин ўғил-қиз оилага олинди, 116 та оилаларга ўғил-қиз қилиниб, 700 га яқин фарзанд ота-она бағрида вояга етиши учун шароит яратилди. Натижада жойларда 10 та меҳрибонлик уйи, 4 та болалар шаҳарчаси ва 2 та болалар уйи ёпилди.

Кейинги йилларда етим болаларни, жумладан, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини доим қийнаб келган яна бир муаммага барҳам берилди. Уларни ўй-жой билан таъминлаш сиёсати натижаси ўларок, 2021 йили ота-онасиз 757 бола давлат ҳисобидан ўй-жой билан таъминланди. Бу йил уларга яна 350 та ўй ажратилиши кўзда тутилган.

олиб, ҳар кун ғамхўрлик қилиш, эътиборни кўчайтириш бўйича маҳалла даражасида тизим яратилди. Жумладан, ўзгалар парваршига муҳтож ва ёлғиз яшовчи 16 мингдан зиёд кексанинг ҳар йили санаторийда даволаниши таъминланди. Шароити оғир ва кам таъминланган 25 минг кекса авлод вақилининг дори-дармони, протез-ортопедия мосламаси, жарроҳлик амалиётига ҳаражатлари ҳам бюджетдан тўланади. Нурунийларнинг стадион, теннис кортлари, спорт заллари, бассейн каби спорт иншоотларига ойлик абонементнинг 540 минг сўмгача бўлган қисми, театр ва музейларга чипта олиш ҳаражатлари ҳам қўллаб берилади. Туризм ва маданий мерос вазириликки вилоят ҳокимлари билан бирга 1 майдан бошлаб кекса авлод вақилларининг зиёратгоҳлар, янги барпо этилган боғлар, маданий мажмуалари ва марказларига саёҳатларини уюштиради.

Президентимиз жорий йил 29 апрель куни “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги, “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларни ва “Ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий



хонаси ва 1 минг 200 ўринли ётоқхона ташкил этилади. Давлат бюртимаси асосида ушбу мактаб кутубхоналари брайль ёзувидаги дарсликлари ва ўқув қўлланмалар, бадий ҳамда болалар учун мўлжалланган адабиётлар билан тўлиқ таъминланади.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги 59- ва 60-мактаб-интернатлар худудидида боғча ёшидаги кўзи оғир болалар учун бир йиллик тайёрлов курслари ташкил этилади. 2023 йилдан

Умумлаштириб олганда, 376 та меҳрибонлик, саховат ва мурувват уйи, махсус мактаб-интернат таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади ва унга 600 миллиард сўм ажратилади.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича янги тизим жорий этилишини қайд этди. Масалан, Ангрэн шаҳри ва Олмазор туманининг 13 та маҳалласида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш натижасида яхши тажриба яратилган. Бунда хотин-қизлар фаоллари ёрдамга муҳтож 109 та оилани бирма-бир ўрганиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ечишда амалий кўмак берган. Мутасаддиларга 1 июлга қадар ушбу тизимни барча худудларда жорий этиб, 70 турдан ортқ ижтимоий хизмат кўрсатишни маҳалла-ларда йўлга қўйиш топирилди.

Мазкур жараёнда хотин-қизлар фаоллари ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари билан биргаликда ҳар бир хонадонга бевосита кириб, оила-лардаги ҳақиқий ҳолат ва ижтимоий хизматларга эҳтиёжини аниқлайди. Ҳар бир оила учун алоҳида ижтимоий ҳимоя режасини ишлаб чиқади. Аҳоли муурожаатлари асосида ижтимоий хиз-



ушбу тажрибани мамлакатнинг барча худудларида жорий этиш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, заиф эшитувчи 3 мингдан зиёд болага замонавий эшитиш мосламаси етказиб берилади. Бунга бюджетдан 11 миллиард сўм ажратилади. Махсус мактаб-интернатларнинг барча ходимларига 50 фоиз устамга тўлаш жорий этилади. Ногиронлиги бўлган болаларнинг маънавий камол топиши учун 108 та мактаб-интернатлар ҳар йили 20 мингдан ортқ махсус адабиёт хонид қилинади. 1 октябрга қадар 20 дан экзоскелет, 880 та ногиронлик аравачаси, 4 мингта овозли термометр ва тонометр, 6 мингта “ақлли” соат харид қилиниб, худудларга етказилади.

Тури сабабларга қўра аввал ишламаган, саховат уйларида яшовчи мингга яқин еши улғу кишига ҳеч қандай тўлов йўқ эди. Энди уларга ҳам шахсий ҳаражатлари учун қарилмак нафақасининг 20 фоизи тўлаб берилади. Ҳозир ногиронлик пенсияси фуқароларнинг аввалиги ишлаган стаж ва ойлиғидан келиб чиқиб ҳисобланади. Бу ишлаётган фуқаронлиги бор 75 мингдан ортқ фуқаронинг даромадида бевосита

матлар ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини доимий назорат қилиб боради. Мураккаб тиббий операцияларга муҳтожларни аниқлаб, уларни бепул даволаш учун юришга қўмаклашади.

Ана шундай кенг қўламли янги тизимни самарали йўлга қўйиш учун махсус дастур асосида 9 минг 300 дан зиёд хотин-қизлар фаолини маҳаллада ижтимоий хизматларни ташкил этишга ўқитиш вазифаси қўйилди. Фаол хотин-қизлар муқофотланади, йил натижасига бўйича эса “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишонига тасвია этилади.

Йиғилишда ишчи-ҳодимларнинг самарали фаолияти учун 3 та асосий ижтимоий масалада (касалик, ишиз қилиш, ҳомилдорлик) босқимча-босқич кафолатли ҳимоялаш тизими жорий қилиниши алоҳида қайд этилди. Масалан, норасмий секторда ишлаётган аёллар улushi 57 фоизни ташкил қилади. Бунинг сабаби шундаки, айрим иш берувчилар ҳомилдорлик нафақасини тўлашда ортқча ҳаражат қилмаслик учун аёлларни расмий ишга олмасликка ҳаракат қилади. Бу ҳолатни тузатиш мақсадида 2022 йил сентябрдан бошлаб тугруқ таътили тўловларининг бир



таъсир қилмоқда. Шу боис, уларнинг пенсияси ҳар икки йилда қайта ҳисобланиб, иш стаж ва ойлиғига қараб ошириб борилади.

Йиғилишда оилавий болалар уйлари қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Уларга бюджетдан маблағ ажратиш тартиби соддалаштирилади. Яъни кундалик ҳаражатларни қоплаш учун маблағ ота-оналарнинг шахсий пластик картасига ўтказилади. Шунингдек, оилавий болалар уйлари қўллаб-қувватлаш учун бепул таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади ва унга 600 миллиард сўм ажратилади.

қисмини давлат бюджети ҳисобидан тўлаш тартиби жорий этилади. Мазкур ишларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида 1 сентябрдан Молия вазирлиги ҳузурида Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилади. Жамғармага жорий йилда бюджетдан 170 миллиард сўм ажратилади.

Тегишли ташкилот ва идоралар 1 августга қадар тугруқ таътили пулларини тўлаш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жамиятда адолатли ижтимоий ҳимоя муҳити шаклланиши, пировадидида халқимизнинг бугунги кундан рози бўлиб яшаши йўлидаги навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

Халқимиз — болажон. Шу боис, мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, уларни химоя қилишга давлат сиёсати даражасида қаралади. Конституциямизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари химоялангани, ота-оналар ўз фарзандини вояга еттунига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, етим, ота-она қарамогидан маҳрум болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш давлат зиммасидалиги, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантирилиши, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

УЛҒАЙИШ ОСТАНАСИДА

КЕЧИРИМЛИЛИК ҲАМ, БАҒРИКЕНГЛИК ҲАМ

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Дилшод ТОҶИБОЕВ,
Тошкент вилоят суди раиси



2021 йилда Тошкент вилоят, туман (шаҳар) судлари томонидан жами вояга етмаган 187 шахсга нисбатан жиноят иши қўрилган бўлиб, уларнинг 91 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган, 39 нафари тарафлар ярашгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилинган, 19 нафари шартли ҳукм қилинган, 4 нафарига жавобгарликдан озод қилинган ҳолда, мажбурият чоралари қўлланилган, 11 нафари эса суд залида қамқондан озод қилинган.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Ўзбекистонда БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинди ва унинг асосий қоидалари кейинчалик Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Оила, Меҳнат кодексларида ва бошқа бир қатор қонунларда ҳам ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши давлатимизнинг ушбу йўналишдаги сиёсатини янги поғонага кўтарди.

Маълумки, жиноят процессида вояга етмаганларнинг асосан уч тоифаси иштирок этади. Биринчиси — жиноят содир қилган вояга етмаган шахс, иккинчиси — жиноятдан жабрланган вояга етмаган шахс, учинчиси — жиноят ишида гувоҳ сифатида иштирок этаётган вояга етмаган шахс.

Жиноят қонунчилигимизда юқорида кўрсатиб ўтилган тоифаларга кирувчи вояга етмаган шахсларга нисбатан бир қатор инсонпарварлик қоидалари белгиланган бўлиб, улар сўнгги йилларда бирмунча такомиллаштирилди. Жумладан, 2019 йил 6 декабрь ва 2021 йил 7 декабрь кунлари қабул қилинган қонунларга мувофиқ, жиноят қонунчилигида бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Яъни, илгари суд ишида вояга етмаган шахснинг қонуний вакили сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, вассилар, ҳомийлар, ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотлар вакиллари қатнашиши мумкин бўлган бўлса, эндиликда вояга етмаганнинг илтимосига қўра, юқорида кўрсатилган шахслар билан бир қаторда, унинг катта ёшдаги аяқин қариндошларидан бири ёки ўзи ишоннадиغان бошқа шахснинг қонуний вакили сифатида иштирок этишига йўл қўйилди.

Шунингдек, илгари ўн олти ёшгача бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда қонуний вакил, катта ёшдаги аяқин қариндош, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирок этиши мумкин бўлган бўлса, эндиликда сўроқ қилинувчи вояга етмаган шахснинг ёши ўн олтидан ўн саккизга қадар узайтирилди ва сўроқ жараёнида юқорида кўрсатилган шахслар илтимосига биноан ёхуд сўроқ қилувчининг (сурйирувчи, терговчи, прокурор ёки судья) ташаббусига қўра, психологинг ҳам иштироки таъминланиши белгиланди.

Бундан ташқари, илгари вояга етмаган гўмон қилинувчини ва айбланувчини сўроқ қилишда фақатгина химоянинг иштироки шарт бўлиб, ушбу жараёнда қонуний вакил иштирок этиши учун терговчи рухсати талаб қилинар эди. Ҳозирда вояга етмаганнинг сўроқ қилишда химоячи билан бир қаторда, қонуний вакилининг ҳам иштироки шартлиги белгилаб қўйилди ва бу борода терговчининг рухсатини олиш лозимлиги бекор қилинди.

Энг муҳим ўзгаришлардан яна бири — жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёш чегараси бирмунча узайтирилди. Яъни, илгари жиноят содир этганга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлиги учунгина жавобгарликка тортиларди. Эндиликда бу ёш чегараси ўн тўрт ёш қилиб белгиланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Вояга етмаган шахсларга жамоат тарбиячиларини тайинлаш

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилиниши натижасида, шартли ҳукм қилинган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога судланган вояга етмаган шахсга нисбатан тайинланадиган жамоат тарбиячисининг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асос яратилди.

Албатта, жиноят ишларини юритиш, жазо тайинлаш, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш каби масалаларда вояга етмаганларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган енгиллик ва имтиёзлар судлар томонидан амалиётда кенг қўлланмоқда.

Хусусан, 2021 йилда Тошкент вилоят, туман (шаҳар) судлари томонидан жами вояга етмаган 187 шахсга нисбатан жиноят иши қўрилган бўлиб, уларнинг 91 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган, 39 нафари тарафлар ярашгани муносабати билан жавобгарликдан озод қилинган, 19 нафари шартли ҳукм қилинган, 4 нафарига жавобгарликдан озод қилинган ҳолда, мажбурият чоралари қўлланилган, 11 нафари эса суд залида қамқондан озод қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги кўрсаткичлар ва ишлари қўрилган вояга етмаган жами 187 шахснинг атиги 18 нафарига, яъни 9,6 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангани судлар томонидан уларга нисбатан алоҳида инсонпарварлик муносабати кўрсатилганлигининг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари химоясини янада кучайтириш борасида ўз ечимини кутиб турган бир қатор долзарб масалалар ҳам мавжудлигини қайд этишимиз ўринлидир.

Хусусан, вояга етмаган гўмон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуқларига оид қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.

Вояга етмаган шахсга нисбатан жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмаслигини, жавобгарликка қарши ёки жазони ижро этиш муддатлари ўтиб кетгани муносабати билан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, судланганлик ҳолати тугалланиши каби масалаларда алоҳида қисқартирилган муддатларни белгилаш мақбулдир. Шунингдек, вояга етмаган шахснинг мажбурият чораларини қўллаган ҳолда, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мумкин бўлган жиноятлар доирасини бирмунча кенгайтириш, ахлоқ тузаатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган вояга етмаган шахснинг иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинадиган ушланма миқдорини оила ш ҳақининг ўн фоизи қилиб, камайтирилган ҳолда белгилаш каби масалаларнинг ҳам кўриб чиқиш замон талаби.

Қолаверса, вояга етмаган шахснинг ушлаб туриш, унга нисбатан қамқоқ олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, вояга етмаган шахснинг қамқоқда ёки уй қамоғида сақлаб туриш муддати ва уни узайтириш борасида алоҳида қисқартирилган муддатларни назарда тутиш, вояга етмаган гўмон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлигини кун давомида олти соатдан тўрт соатга қадар қисқартириш мақсадга мувофиқдир.

Вояга етмаган жабрланувчи ва гўвоҳ иштирокидаги ишларни ҳодиса жойида текшириш, эксперимент, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, гувоҳландириш каби процессуал ҳаракатларни ўтказишда алоҳида эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Бу борода хато ва камчиликларга йўл қўйиш вояга етмаганлар руҳиятида салбий ўзгаришлар пайдо бўлишига, хусусан, вояга етмаган жабрланувчининг қайта виктимизацияга учрашига сабаб бўлади.

Шу боис, қонунчилигимизда вояга етмаган жабрланувчи ва гўвоҳ иштирокидаги ишларни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш курсларида тайёргарликдан ўтган, махсус билим ва кўникмаларга эга терговчи ёки судья томонидан амалга оширилиши лозим. Шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи ва гўвоҳ иштирокидаги ишларни биринчи навбатда ҳамда қисқа муддатда тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш лозимлигини назарда тутиш, тергов хоналари ва суд залларини вояга етмаган жабрланувчи ва гўвоҳнинг кўркимидиган, стресс ҳолатига туширмайдиган тарзда жиҳозлаш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, юқорида кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал қилиш келгусида вояга етмаганларнинг ҳуқуқий химоясини янада кучайтиришда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, бу сиёсат Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қўзда тутилган ёшлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш каби мақсадлиги амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.



10 МАЙ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҒАҒУР ҒУЛОМ ТУҒИЛГАН КҮН

“БИЛИБ ҚҲЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ”

ШАРҚОНА ФАЛСАФАНИНГ ЁШЛАР КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Отабек БОБОЖОНОВ,
ТДЮУ магистратура ва сиртки таълим факультети декани,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Миллий адабиётимиз вакиллари ўз сўзи билан миллат тараққиёти, маънавияти, руҳий куч-қувватини оширишга хизмат қилиб келган. Ижодкорларимиз адабиёт, бадий сўзи миллатнинг ҳаёти, нажоти, келажаги ўлароқ англаб, унинг равнақи йўлида бор куч-гайратини сарф этган. Хусусан, жадид маърифатпарварлари ишлаб чиққан миллий тараққиёт дастурининг асосига адабиёт қўйилиши бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс, янги Ўзбекистонни барпо этиш гоёларини ҳам адабиёт кўмағисиз, бадий сўз қудратисиз асло амалга ошириб бўлмайди. Шу боис, Президентимиз томонидан бу борода алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Дастлаб китобхонлик танловларини ўтказишдан бошланган ишлар “Беш муҳим ташаббус” билан янада кенг кўлама касб этди. Миллий илҳосот, илм-фан йўлида ўлимга ҳам тик борган жадид маърифатпарварлари, хусусан, миллий адабиёт тарихида ўз ўрнига эга бўлган ижодкорлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, кенг тарғиб қилишга қаратилган қарорлар ҳам масаланинг нақадар муҳимлиги, мақсаднинг қанчалар қатъийлигини далиллайди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 20 май куни Адиблар хиббонига ташири чоғида “Адабиёт — халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни энг мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюқ маданиятимизга муносива буюқ адабиёт яратиш учун хамма шароитларни яратамиз”, деган илҳомбахш фикрлари жамият маънавий тараққиётини адабиётсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини яна бир бор тасдиқлади. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 502-сон қарори қабул қилиниб, бу ҳужжатда ҳам айна шу мақсад, яъни жамият маънавий ҳаётини юксалтириш, айниқса, ёшларнинг онгу шуури, тафаккур ва қалбини тарбиялашда ижод ахлининг ҳаётини ибрат ва асарлари гоёларига таяниш назарда тутилди.

Ғулوم ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, уни кенг жамоатчилик айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш вазиғаси топширилди. Университетда тасдиқланган чора-тадбирлар режасига биноан магистратура ва сиртки таълим факультетига қарашли ўзбек тили ва адабиёти, умумтаълим фанлар ва маданият кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Бажарилган ишлар сирасида академик шоир ҳаёти ва ижодига доир 10 номдаги китоб нашр этилиши алоҳида аҳамиятга эга.

“Ғафур Ғулум ижодига инсонпарварлик, одиллик, меҳр-оқибат масалалари” тўпламида академик шоир асарларининг илмий-бадий қиммати, унинг ўзбек адабиётда тутган ўрни, шоир ижодининг ўрганилишига

“Ғафур Ғулум хотираларда” китобида шоирнинг замондошлари хотираларидан кўйиғаси, у билан рўй берган ибратли воқеаларни ўқувчи адиб ҳаёти ва ижодини янада чуқур англаш, баъзи воқеликларга оидлик киритишда катта ёрдам беради.

Жумладан, ҳассос шоира Зулфия Ғафур Ғулумни шундай хотирлайди: “Адабиётда устозу шоғирликнинг манғиғи шуки, бировировга қандай ижод қилишни ўргатмайди. Ғафур ака ўз даврининг жуда кўп ёшларига маънавий ҳоми эдилар. Кейин-кейин англаб етдимки, у кишининг ҳар бир талаби, ўғити, меҳрибонлиги қадим-қадимдан анъана бўлиб келган устозу шоғирлик мактаби сабоқларининг давоми экан...”

Насиба Бозорованин “Ғафур Ғулумнинг “Шум бола” қиссасини таълим жараёнида ўрганиш” деб номланган ўқув-услубий қўланмаси ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уни ёш авлодга ўргатишда амалий ёрдам беради. Қўланмада аллома ҳаёти ва ижодига доир кўплаб маълумотлар берилган бўлиб, улар ўқувчининг бу хусусдаги билим ва кўникмаларини оширади, ўқувчиларнинг эса Ғафур Ғулум ҳаёти, ижодини англашига кўмаклашади. Шунингдек, қўланмадаги маълумотлардан шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан бадий кечалар уюштириш, илмий-назарий конференциялар ўтказиш, ёзувчи асарларини мустақил ўқиб, ўзлаштиришда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Ғафур Ғулум ҳаёти ва асарларини ўрганиш” деб номланган ўқув қўланмада эса муаллифлар жамоаси томонидан адибнинг ҳаёти ва асарларига доир савол-жавоблар ва тестлар мавзулаштирган ҳолда берилган. Мазкур китоб ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар ҳамда мустақил ўрганувчилар оммасига мўлжалланган.

Шунингдек, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ва адибнинг уй-музейи ҳодимлари ҳамкорлигида академик шоирнинг асарлари — “Озорник” (рус тилида) қиссаси ва “Фарзандларимга” шеърый тўплами нашр этилди. Ғафур Ғулумнинг “Шум бола” қиссаси А.Наумов томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1974 йилда нашр этилган эди. Мазкур китобнинг қайта нашри ҳамда “Озорник” (рус тилида) қиссаси қайта чоп этилди ва ушбу қисса 1-курс талабаларининг ўқув дастурига киритилди.

“Фарзандларимга” шеърый тўпландан эса ижодкорнинг “Билиб қўйки, сени Ватан кутади” номли ёшларни билим олиш, ўқиш, излашга даъват қилувчи шеърлари билан бирга “Алишер”, “Ўзгаллик нимада”, “Соғиниш”, “Кузатиш”, “Вақт” каби бетакор дурдона ҳам ўрин олган.



оид мақолалар ўрин олган. Айтиш жоизки, шоирнинг “Вақт”, “Соғиниш” шеърларининг фалсафаси, бадий қиймати, айниқса, “Сен етим эмассан”, “Шум бола”, “Ёдор” асарларидаги ҳуқуқий қарашлар таҳлилга доир мақолалар тўпламининг илмий салмоғини янада оширар.

“Ғафур Ғулум: Шарқдан келаётирман” номли халқаро илмий-амалий конференция матеириаллари тўпламида эса Тошкент давлат юримдик университетиде 2021 йил 21 майда ўтказилган конференция матеириаллари жамланган. Тўпландан Ғафур Ғулум ижодига давр муаммоларининг акс этиши, насрида ҳуқуқий масалаларнинг ифодаланиши, шеърыйида Шарқ фалсафаси, адиб асарларини бошқа тилларга таржима қилиш муаммоларига доир мақолалар ўрин олган.

“Ғафур Ғулумнинг бадий маҳорати” деб номланган илмий мақолалар жамланмасида таниқли адабиётшунос олимларнинг қизиқарли мақолалари киритилган. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг “Ғафурона тарона” мақоласида Ғафур Ғулум бадий сўзининг инсон умрининг энг мушкул савдоси — вақтни енгиб, ўзга вақт кенгликлари томон йўл олишининг асослари ёритиб берилгани, китобхон муаллифининг академик шоир ижодидан таъсирланганини мароқ билан ўқийди, “Ғафурона тарона”даги дурдона қайдлардан кўнгли ёришади.



Жумладан, мазкур қарорга мувофиқ, Тошкент давлат юримдик университетига ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси Ғафур

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ва адибнинг уй-музейи ҳодимлари ҳамкорлигида академик шоирнинг асарлари — “Озорник” (рус тилида) қиссаси ва “Фарзандларимга” шеърый тўплами нашр этилди. Ғафур Ғулумнинг “Шум бола” қиссаси А.Наумов томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1974 йилда нашр этилган эди. Мазкур китобнинг қайта нашри шу вақтга қадар амалга оширилмаган. Бугун “Шум бола” қиссаси қайта чоп этилди ва ушбу қисса 1-курс талабаларининг ўқув дастурига киритилди.

Академик шоир Ғафур Ғулум ҳаёти ва ижодини ўрганиш, муносива тарғиб қилиш борасидаги ишлар давом этади. Айниқса, адиб ижодини ҳуқуқий нуқтаи назардан чуқур тадқиқ этиш, қисса ва ҳикояларини таржима қилиш, ўрта таълим учун методик материаллар тайёрлаш галдаги муҳим вазифаларимиздир.



